I. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2776,5 минг кишини ташкил қилди ва биринчи ярим йилликда 23600 кишига ёки 17,7 фоизга кўпайди. Шундан, 1793,2 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 64,6 фоизи) ва 983,3 минг киши – қишлоқ жойларида (35,4 фоизи) истиқомат қилади.

Наманган вилояти ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	***шу жумладан:***	
		шаҳар	***қишлоқ***
Вилоят бўйича:	**2 776,5**	**1 793,2**	**983,3**
Наманган ш.	618,1	618,1	-
туманлар:			
Мингбулоқ	124,2	43,1	81,2
Косонсой	205,8	124,4	81,4
Наманган	176,3	52,3	124,0
Норин	161,4	74,1	87,3
Поп	216,7	124,1	92,6
Тўрақўрғон	222,7	127,2	95,4
Уйчи	209,5	102,0	107,5
Учқўрғон	169,5	72,7	96,8
Чортоқ	196,0	130,7	65,3
Чуст	261,8	176,6	85,2
Янгиқўрғон	214,5	147,9	66,6

Наманган вилояти шаҳар ва қишлоқлар бўйича аҳоли сони тўғрисида маълумот

(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига, минг киши)



Шунингдек, вилоятдаги жами доимий аҳолининг 1409,8 мингтаси эркаклар (жами аҳоли сонининг 50,7 фоизи) ва 1366,8 мингтаси аёлларни (49,3 фоизи) ташкил этади.

Вилоятнинг ҳудудий майдони 7,444 минг кв.км.ни ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 кв.км.га ўртача 373,0 киши тўғри келади. Аҳоли зичлиги юқорилиги бўйича шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Наманган шаҳарда 1 кв.км.га ўртача 4120,7 киши, Наманган туманида 1 кв.км.га ўртача 867,7 киши ва Тўрақўрғон туманида 1 кв.км.га ўртача 816,5 киши тўғри келмоқда.

Аҳоли зичлиги паст бўлган туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Поп тумнида 1 кв.км.га ўртача 74,5 киши, Мингбулоқ туманида 1 кв.км.га ўртача 167,7 киши ва Чуст туманида 1 кв.км.га ўртача 279,3 киши тўғри келмоқда.

2019 йил 1 июль ҳолатига ҳудудлар кесимида аҳоли зичлиги *(минг киши)*



Наманган вилояти ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	***шу жумладан:***	
		эркак	***Аёл***
Вилоят бўйича	**2 776,5**	**1 409,8**	**1 366,8**
Наманган ш	618,1	318,0	300,1
туманлар:			
Мингбулоқ	124,2	63,1	61,1
Косонсой	205,8	104,9	100,9
Наманган	176,3	90,0	86,3
Норин	161,4	82,2	79,2
Поп	216,7	108,9	107,9
Тўрақўрғон	222,7	112,4	110,2
Уйчи	209,5	104,7	104,9
Учқўрғон	169,5	84,8	84,7
Чортоқ	196,0	98,1	97,9
Чуст	261,8	133,8	128,0
Янгиқўрғон	214,5	108,9	105,6

Наманган вилояти ҳудудлари
бўйича аҳолининг жинси сони тўғрисида маълумот
(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига, минг киши)



Аҳолининг табиий ҳаракати

(январь – июнь ойларида)

	Киши			ҳар 1000 кишига	
	2018 й.	2019 й.[1]	ўсиш, камайиш	2018 й.	2019 й.[1]
Туғилганлар	27 394	30 373	2 979	20,4	22,2
Ўлганлар	5 967	6 207	240	4,4	4,5
Табиий ўсиш	21 427	24 166	2 739	16,0	17,7
Никоҳлар	6 925	7 281	356	5,2	5,3
Ажралишлар	1 239	1 262	23	0,9	0,9

[1] *дастлабки маълумот*

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти

2019 йилнинг январь–июнь ойларида (1000 аҳолига нисбатан, промилле)



Туғилиш даражаси. 2019 йил январь-июнь ойларида туғилганлар сони 30 373 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (27 394 киши) нисбатан 2 979 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 22,2 промиллени ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (20,4 промилле) нисбатан 1,8 промиллега ўсиш бўлди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Косонсой туманида (20,3 дан 23,0 промиллега) ва Уйчи (20,8 дан 23,1 промиллега) туманларида кузатилди.

2019 йилнинг январь–июнь ойларида ҳудудларда туғилиш даражаси (1000 аҳолига нисбатан, промилле)

Ўлим даражаси. 2019 йил январь-июнь ойларида ўлганлар сони 6207 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (5967 киши) нисбатан 240 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,5 промиллени ташкил қилди (2018 йил январь-июнида – 4,4 промилле). Ўлганлар сони кўпайиши Косонсой (3,9 дан 4,9 промиллега), Мингбулоқ (3,7 дан 4,0 промиллега), Поп (4,1 дан 4,4 промиллега), ва Наманган (4,1 дан 4,3 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 59,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 5,4 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 5,6 фоизи - бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, ўсимталардан 9,5 фоизи, ҳазм қилиш 5,6 фоизи ва инфекцион паразитлар-1,3 фоизи вафот этганлар ҳисобига тўғри келди.

2019 йилнинг январь–июнь ойларида ҳудудларда ўлим даражаси

(1000 аҳолига нисбатан, промилле)



Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши
(2019 йилнинг январь-июнь ойларида, фоизда)

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-июнь ойларида бир ёшга тўлмаган 328 та болалар ўлими кузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 33,0 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 22,2 фоизи баъзи инфекцион ва паразитар касалликлардан, 3,2 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан ва 23,1 фоизи – бошқа касалликлар билан касалланганлиги сабабли вафот этганлар ҳисобига тўғри келган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2019 йил январь-июнь ойлариида ФҲДЁ органларида 7 281 та никоҳлар ва 1 262 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан промилледа 5,3 никоҳ (2018 йилнинг тегишли даврида – 5,2) ва 0,9 ажралишлар (2018 йилнинг тегишли даврида – 0,9) тўғри келади.

2019 йилнинг январь–июнь ойларида тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

(бирлик)

	Тузилган никоҳлар		*Никоҳдан ажралишлар*	
	2018 йил	*2019 йил*	*2018 йил*	*2019 йил*
Вилоят бўйича	**6 925**	**7 281**	**1 239**	**1 262**
Наманган ш	1 403	1 336	265	264
туманлар:				
Мингбулоқ	344	387	42	63
Косонсой	434	531	122	94
Наманган	339	373	76	85
Норин	405	468	88	87
Поп	622	678	121	116
Тўрақўрғон	691	577	88	73
Уйчи	577	587	84	101
Учқўрғон	428	531	90	91
Чортоқ	426	434	79	82
Чуст	774	854	99	136
Янгиқўрғон	482	525	85	70

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-июнь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2598 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 3135 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 537 кишига (2018 йилнинг шу даврида - манфий 579 киши) тенг бўлди.Энг катта манфий қолдиқлар Наманган шаҳрида (манфий 242), Тўрақўрғон (манфий 61), Чуст (манфий 73) , Норин (манфий 19) туманларида кузатилди.

2019 йилнинг январь-июнь ойларида ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши

минг кишида

	Доимий аҳоли сони		
	2018 йил	*2019 йил*	*Ўсиш+/-*
Вилоят бўйича	**2720,5**	**2 776,5**	**56,0**
Наманган ш	604,9	618,1	13,2
туманлар:			
Мингбулоқ	121,6	124,2	2,6
Косонсой	201,3	205,8	4,5
Наманган	172,4	176,3	3,9
Норин	158,5	161,4	2,9
Поп	212,7	216,7	4,0
Тўрақўрғон	218,1	222,7	4,6
Уйчи	205,2	209,5	4,3
Учқўрғон	166,3	169,5	3,2
Чортоқ	192,2	196,0	3,8
Чуст	257,0	261,8	4,8
Янгиқўрғон	210,3	214,5	4,2

2019 йилнинг январь-июнь ойларида ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши